# QISHLOQ HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

2003 YIL 8 AVGUST, JUMA

№100 (6.625). Sotuvda erkin narxda


## БУГУНГИ СОНДА




**СПОРТНИНГ ҚУДРАТИ** (1-4- саҳифаларда)

**ПУЛ ТОПИШ ЯХШИ, АММО...** (2-саҳифада)

**ИЗЛАНИШ- ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ** (1-2-саҳифаларда)




### КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Самарқандда «Челленжер» халқаро теннис мусобақаси бошланди. Унда АҚШ, Россия, Украина, Қозоғистон, Аргентина, Австрия, Греция, Италия, Сербия каби йигирмага яқин давлатдан келган ракетка усталари иштирок этмоқда.

● АҚШнинг «AmeriCares» халқаро мурувват ташкилоти «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига навбатдаги инсонпарварлик ёрдамини тақдим этди.

● Шаҳрисабз туманининг Абу Райҳон Беруний номидаги оромгоҳида болалар спортини ривожлантиришга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Наманганда бокс бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Тожикистон, Малайзия,Ҳиндистон ва Сурия чарм қўлқоп усталари иштирок этди.

● Тошкентда Истиқлолимизнинг 12 йиллик тўйи арафасида «Асташ» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида ўзига хос технологик линия ишга туширилди.

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги фаолият якунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 июлдаги мажлисида сўзлаган нутқида белгиланган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда иккинчи ярим йиллик вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган бошқарув мажлиси бўлиб ўтди.

● Олтиариқ туман марказий шифохонаси лабораторияси Жаҳон банки кредити ҳисобидан замонавий таҳлил ускуналари билан жиҳозланди.

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати раёсати ҳамда Америка юристлар уюшмаси ҳамкорлигида адвокатлар ҳимоя ҳуқуқини янада мустаҳкамлаш, соҳа вакилларининг билим ва маҳоратини ошириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Пойтахтимизда табиий ресурслардан тижорат ва ишлаб чиқариш мақсадларида оқилона фойдаланишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

## НИЯТИ УЛУҒ ФЕРМЕР



**Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида серғайрат, аҳдига вафодор, меҳнаткаш фермерлар анчагина. Шулардан бири "Озод" ширкат хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган фермер Тожибой Раҳимов бўладилар.**

**У киши раҳбарлик қилаётган "Раҳимжон ҳожи" фермер хўжалигида бу йил 6 гектар майдонда "С-6524" навли пахта етиштирилмоқда.**

**-Бу йилги ҳосилдан умидимиз катта, - дейди Тожибой ака ҳар тупида 18-20 тадан кўсак тугган ғўзаларга имо қилиб. – Шартномавий режа гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш белгиланган. Худо хоҳласа, биз биринчи теримдаёқ 50 центнердан ҳосил олиб, режани муддатидан олдин бажариш ниятидамиз.**

**СУРАТДА: фермер Тожибой Раҳимов.**

**Б.АКРАМОВ олган сурат.**

## "ДОРИ-ДАРМОН САВДОСИДА ТАРТИБ БЎЛСИН"

***Газетамизнинг шу йил 8 июл сонида "Қўқондаги дори бозори" ва 18 июл сонида босилган "Дори-дармон савдосида тартиб бўлсин" сарлавҳали танқидий-таҳлилий мақолалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигидан жавоб хати олинди. Унда жумладан шундай дейилади.***

"Вазирлик томонидан ноқонуний фаолият кўрсатаётган дори бозорлари хусусида бир неча маротаба солиқ инспекциялари, маҳаллий ҳокимият идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хатлар юборилган. Бундай дори бозорларидан сотиб олинадиган "дори-дармонлар"нинг зарарли ва нохуш таъсири ҳақида доимий тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Лекин, ҳозирги кунгача дори бозорларининг фаолияти тўхтатилгани йўқ. Бизнинг фикримизча, дори бозорларини тугатиш учун маҳаллий ҳокимият вакиллари, Давлат Солиқ ва Божхона қўмиталари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан иборат бўлган ва кенг ваколатларга эга бўлган доимий ҳаракатдаги тезкор гуруҳ тузиш лозим. Бундан ташқари, дори воситаларининг ноқонуний муомаласи юзасидан маъмурий ва жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига жазо чораларининг кучайтирилишини назарда тутган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур.

**"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

Ҳозирда мутахассислар томонидан дорихона тўғрисида Низом лойиҳаси тайёрланмоқда. Келгусида дорихоналар томонидан лицензия шартномаси шартларининг бажарилиши юзасидан доимий текширувлар ўтказиш ва бу текширувлар пайтида дорихоналарда ишлаётган ходимларнинг мутахассислигини аниқлаш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 19-сонли ва 2000 йил 5 августдаги 307-сонли қарорлари билан дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотишда чекланган савдо устамалари жорий қилиниб, нарх белгилаш тартиби тасдиқланган. Жумладан, импорт қилинган дори воситалари ва тиббиёт буюмларига воситачилар сонидан қатъи назар 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда улгуржи-чакана савдо устамаси, бошқа дори воситалари ва тиббиёт буюмларига эса воситачилар сонидан қатъи назар улгуржи савдо учун 20 фоиздан, чакана савдо учун 25 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорлардаги чекланган савдо устамалари қўлланилиши лозим. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотишда нарх белгилаш тартибини ва савдо устамалари қўлланишини мулк шаклидаң қатъи назар барча дорихона муассасаларида назорат қилиш вазифаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси зиммасига юклатилган. Шунинг учун дорихона муассасаларидаги нарх-наво масалалари юзасидан мунтазам текширувлар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кўрсатилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши дори-дармонлар савдосини қисман бўлса-да, тартибга солиб, мақолада кўрсатилган кўп хато-камчиликларнинг олдини олади, деган умиддамиз.

**М.ҲОЖИБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари.**

**АТИГИ ЮЗ САТР**

***Харидорлардан бири дўкондан ўзига керакли маҳсулот сотиб олдию ўзига узатилган чекни кўриб сотувчига саволомуз қаради. "Буни нима қиламан", дегандек чекни беписандлик билан бир четга улоқтирди. Бу манзарани кузатарканман, бир воқеа эсимга тушди.***

## "ЧЕКНИ НИМА ҚИЛАМАН?"

Яқинда бир танишимнинг тоби қочиб қолганди. Доктор тавсиясига кўра керакли дори-дармонларни қабул қила бошлади. Бироқ иситмаси баттар кўтарилиб кетди. Ҳар қалай у шифокорлар кўмагида тузалиб қолди. Унинг айтишича, уйидагилар ҳалиги дорини кўча-кўйдан арзон баҳода харид қилишган экан. "Сифатига кафолат бўлмаган бундай дори-дармонни энди бундан буён олмаганим бўлсин, - дейди у. – Дўхтирлар чорасини кўрмаганда, билмадим, нима бўларди".

Истеъмолчилар қонун бўйича муайян ҳуқуқ ва бурчларга эга. Бироқ, афсуски, биз истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларимизни билавермаймиз. Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш мушкул. Автобусда йўлкира учун ҳақ тўлаб чипта олишни "унутамиз", дўкондан озиқ-овқат маҳсулотлари харид қиламизу унинг сифати, кафолати билан қизиқиб ҳам кўрмаймиз.

-Истеъмолчилар ўз ҳақ-ҳуқуқини, бурчларини мукаммал билишини истар эдик, - дейди Бухоро вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жўрақул Ҳалимов. – Баъзи ҳолатларда улар харид қилган маҳсулотлари учун чек берилмаслигини айтишади. Лекин ушбу ҳолатни ёзма тарзда тушунтириб беришни сўрасак, ўзларини четга тортадилар. Ҳолбуки, истеъмолчи бизга ўз ёрдамини берса, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўплаб қонунбузарликларга чек қўйиш мумкин бўлур эди.

Бу сўзларга изоҳнинг ҳожати йўқ, албатта. Дарвоқе, яна бир гап. Ҳалиги танишимни яқинда бозорда учратиб қолдим. Озиқ- овқат дўконидан нимадир харид қилаётиб, унинг сифати билан қизиқди. Сотувчи узатган касса чекини чўнтагига солаётиб, "кўр хассасини бир марта йўқотади", дегандек қараб қўйди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## ҲАМЁН НЕГА ПУЧ?

**ТААССУФ**

***-Қамашида иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда жонини жабборга бериб ишлаётганлар оз эмас, - дейди туман ҳокимлигининг масъул ходими Шавқиддин Муқимов. – Ашурмат Тошқулов, Шавкат Пардаев, Ғулом Худоёров, Йўлдош Равшанов, Абдулла Аҳмедов, Эшбўри Абраевлар худди шундай фидойи, серғайрат кишилардан. Туманда шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида эришилган ютуқларда уларнинг улуши кам бўлмади.***

Аммо...

Бир бўлмиши яхшининг бир ёмони ҳам бўлар экан. Ўзбек-Британия қўшма корхонаси - "Момиқ" акциядорлик жамиятида бўлганимда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Бош иқтисодчи Шавкат Худойқулов билан тайёрлов бўлими бошлиғи Жаҳонгир Қаландаров негадир муаммолар, камчиликларни хаспўшлашга ҳаракат қилишаркан. Улар нима учундир кўзга кўриниб турган муаммоларни айтишдан ўзларини олиб қочишди. Ҳатто жамият раиси Бойқобил Чоршанбиевнинг ҳам парвойи фалак. Ишлар унчалик юришиб кетмаётган бўлсаям ишни қойиллатиб қўйгандай гоҳ "Нексия", гоҳ "Тико"ни ғизиллатиб миниб юраверади.

Раис билан корхона фаолияти ҳақида гурунглашиб ўтирган эдик. Бир пайт ҳе йўқ, бе йўқ, бирданига хайр-хўшни насияга қолдириб қаергадир кетиб қолди. Кейин эшитсак, ишчи Дилрабо Хуррамованинг қўлини дастгоҳ тилиб, жароҳатлагани учун прокуратура чақиртирган экан. Шундай қилиб, раис кечгача қорасини кўрсатмади. Қочиб қаёққаям борарди, эртасига раисни яна топиб олдик.

-Ака, иш кетмаяпти, одамларга узлуксиз иш топиб бериш қийин бўляпти. Буёғи хомашё муаммоси, буёғи тайёр маҳсулотлар уюлиб кетган. Уларни сотиш ҳам осон бўлаётгани йўқ. 300 тоннага яқин маҳсулотимиз харидорини кутиб ётибди. Яна бир тарафи ўзим радиотехника бўйича мутахассисман. Корхонамизда эса момиқ ишлаб чиқарилади...

Муовинларидан бири эса спортчи экан.

Дилрабо Хуррамованинг жароҳат олишида ҳам қандайдир масъулиятсизликнинг асоратини кўргандек бўлдик. Техника муҳофазасига эътибор корхонада асосий ишлардан бири бўлиши керак эмасми? Бош ҳисобчи Раҳмонберди Ибодов ҳақиқатнинг юзига тик қарайдиган кишилардан бири экан. У ошириб тоширмасдан, гапнинг дангалини айтди:

-Жамият қаддини тиклаб олишига сира кўзим етмаяпти. Шу сабабли ишдан кетмоқчи бўлиб юрибман. Корхонада икки-уч ой иш тўхтаб қолди. Жамиятнинг кадрлар бўлимида эса 286 одам рўйхатда турибди. Шунча одамнинг атиги учдан бир қисми иш билан банд. Унинг ҳам учдан бир қисми бошқарув аппаратида ишлайдиганлар – инженер-техник ходимлар...

Корхона 1979 йилда ташкил топган бўлиб, у вақтларда момиқ фабрикаси деб аталарди. 2001 йилдан эса акциядорлик жамиятига айлантирилди. Шундан бери бу ерда тўрт маротаба раҳбар алмашди. Бирови уч ой, яна бири беш ой чидаб турди, холос. Бошқарувдаги қўнимсизлик эса ишлаб чиқаришга ўз таъсирини ўтказди. Маҳсулот ҳажми ва сотилиши камлиги жамиятнинг молиявий жиҳатдан ночор бўлиб қолишига олиб келаётир.

Раис Бойқобил Чоршанбиевнинг айтишига қараганда, 2002 йил якунлари, айниқса, иқтисодиёт соҳасида мақтайдиган даражада эмас. Атиги 3 миллион сўм фойда кўрилди. 2001 йилда шу ҳам бўлмаганди. Натижада улар анча йиллардан буён акциядорларга дивиденд бериш имкониятига эга бўлолмадилар. Дивиденд берилмаса акциядорлик жамиятига айлантирилганининг маъниси нима, дея сўрарсиз. Ҳа, шакл ўзгаргани билан мазмун ўша-ўша. Моддий манфаатдорлик бўлмаганидан кейин у ёғи ўзингизга маълум. 316 нафар акциядор бўлса, умиди пучга чиққанидан хуноб.

Корхонанинг иқтисодий аҳволи ҳақида сўз кетганда қуйидаги далилларни келтиришнинг ўзи кифоя.

(Давоми 2-бетда)

## ЁРҚИШЛОҚНИНГ БАҒРИ КЕНГ

***Ёрқишлоқлик Юсуфжон Сотволдиев ва Муталибжон Маҳмудов маслакдош, сафдош. Кўзга яққол намоён бўладиган фазилатлари – уларнинг ўз қишлоқларига нисбатан баб-баравар меҳр-муҳаббатларидир.***

Президентимиз 2003 йилни "Обод маҳалла йили" деб эълон қилганида, кишиларнинг тарихан шаклланган, оиладан кейинги бирлиги – бу маҳалладир, дея унинг ижтимоий аҳамиятига юксак баҳо берганида Ёрқишлоқнинг етакчилари зиммасига юксак масъулият юки тушганди. Эътибор беринг, 17 йил ширкат хўжалиги раисининг ўринбосари лавозимида ишлаган Муталибжон Маҳмудов юксак бурч залворини теран ҳис этгани боис қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига сайланди. Юсуфжон ака сафдошининг мақсадини тўғри тушунди, унга ёрдам қўлини чўзди. Маҳаллий бошқарув тизими жамиятнинг таянчи ҳисобланса-да, ҳали у ўзининг мавқеини тўла шакллантириб олиши учун вақт керак эди. Қолаверса, унинг куч-қудратига ишонч уйғота билиш асосий вазифалардан ҳисобланарди. Янги раис фаолиятини айнан шу масаладан бошлади. Яъни, оилада, ўзаро муносабатларда, фарзанд тарбиясида, хусусан вояга етмаганлар билан ишлашда, тўй ва маъракаларни камчиқим, ортиқча дабдабаларсиз ўтказишда қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги 11 та комиссиянинг роли сезиларли даражада оширилди.

**2003 ЙИЛ - ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

Йиғин раиси экстремизм ва турли шубҳали оқимларнинг вужудга келиши мумкин бўлган омилларни ўрганди,. ёшларнинг юриш-туриши, хатти-ҳаракати назоратга олинди. Бунда оммавий-маданий тадбирларнинг энг таъсирчан, халқчил, қизиқарли воситаларидан оқилона фойдаланилди. Қишлоқ фаоллари йиғин раисининг бу ишларини маъқуллабгина қолмасдан, тўла қўллаб-қувватладилар. Чунки, Ёрқишлоқ Андижон вилоятининг энг чекка аҳоли масканларидан бири ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

**ЖАРАЁН**

## ҚУТЛУҒ КУНЛАР ШУКУҲИ

***Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг яқинда Қарши туманидаги "Бешкент" элита уруғчилик хўжалиги далаларига ташриф буюриши бу ерда яшаб меҳнат қилаётган кексаю ёш барчанинг руҳиятини кўтариб, уларни янада яхшироқ ишлашга ундади.***

Юртбошимизнинг хўжалик деҳқонларидан ишлари, турмуш шароитларини суриштириб, дилдан суҳбатлашганлиги уларни бениҳоя хурсанд қилди, кўнгилларида илиқ туйғулар уйғотди.

Дарвоқе, Президент Ислом Каримов ўтган йил 15 октябрда ҳам ана шу хўжалик далаларида бўлган, деҳқонлар ҳаёти билан танишган эдилар. Бу галги ташриф бешкентликлар учун янада ҳаяжонли кечди. Тўғриси, бу хушхабардан шошиб қолдим, - дейди пудратчи Содиқ Мирзаев. – У киши бизлардан ҳол-аҳвол сўрадилар, сўнгра пайкалларни айландилар. Кейин бир неча туп ғўзалардаги кўсакларни, ҳосил нишоналарини санаб кўрдилар. Ахир, мамлакат раҳбари сенинг қилаётган ишингга яхши баҳо берса, деҳқон учун бундан ортиқ ҳурмат бўладими?

Президентимиз ҳар галгидек бу сафар ҳам деҳқонлар билан учрашувлари чоғида нафақат деҳқончилик, балки одамларнинг турмуши билан астойдил қизиқдилар. Ҳалоллик, меҳнатсеварликда ҳикмат кўп.

(Давоми 3-бетда)

## ОЛМОСДАГИ ТАТАМИ

***Махситали билан мени кўкламнинг илк кунларида раҳматли Фарҳод Йўлчиев таништирганди. Кейин Фарҳод аканинг маърака-маросимлари сабаб бир неча бор Олмосга бордиму Махситали билан учрашишга фурсат бўлавермади.***

Мана ўша Олмос... Биров унда 30 минг одам яшайди деса, бошқаси 40 минг киши истиқомат қилади дейди, ҳатто 45 минг, деган рақамни ҳам одамлардан эшитганман. Лекин шуниси аниқки, водийда олмосликлардан уддабурон деҳқонни, икки миллионлик Наманганда Олмосдан катта қишлоқни тополмайсиз.

- Ҳудуди чоғроқ шаҳардай келадиган жой учун спорт керакмасми? Тўғри, каттакон стадионимиз бор, спортзаллар ҳам муҳайё, талабгорлару ишқибозлар етарлича. Аммо уларнинг бошини қовуштириб, интилишлар бир мақсадга йўналтирилмас экан, майдонда терга ботиб тўп тепаверган билан спорт оммалашиб қолмайди ва ривожланмайди.

**БОЛАЛАР СПОРТИ**

Махситали Ҳасановнинг сўзи ҳам, иши ҳам бутун. У 4-мактаб болаларига каратэ спорт турини 1990 йилларда ўргата бошлаганди. Шароит йўқ даражада, бунинг устига уни тушунадиган, қўллаб-қувватлайдиган одамлар кам. Машғулотлар амал-тақал билан давом этиб, 1993 йили тақка тўхтади. Ўшанда "тахмонга урилган" Олмоснинг илк татамиси қарийб ўн йил чанг босиб ётди.

Махситали Ҳасанов Худо деган эканки, Юртбошимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. У дарҳол пойтахтга йўл олди.

(Давоми 4-бетда)

**ОЧЕРК**

## ОТАНАЗАР ОҒАНИНГ ЮЛДУЗИ

***Биз, хоразмликларда "ўлмайсанми деб", деган ибора бор. Бу адабий тилимиздаги "жуда қаттиқ берилиб", "астойдил", деган маънони англатади.***

Модомики, ҳаётимизни хусусийлаштириш платформасига ўтказмоқчи эканмизми, бу ишни ундоқ-бундоқ, деб пайсалга солмасдан, тезкорлик билан бажаришимиз керак-да, "ўлмайсанми" деб ишлашимиз зарур. Ана шундагина кулиб кунимизни кўрамиз. "Кунимизни кўрамиз"гина эмас, тараққий топган мамлакатлар фуқаросига хос ҳаёт кечирамиз.

Ҳар бир тийинни тиллодек кўриб, қисиб-қимириб, тежабтергаб ўз ўрнига ташлаш ҳам мана шу хусусийлаштиришнинг ҳаётбахш омилидир. Йўқ, агар бордию буни тўғри англамасак, маблағларга аввалгидек "отам топади, онам ёпади, менга нима" қабилида муносабатда бўлиб, исрофгарчилик қилиб, ишларни фақат маҳобат, хўжа кўрсинчилик тарзида "йўлга қўйсак", итдан бир суяк қарз бўлиб қолаверамиз.

Асл жонкуярларга хос кескинлик билан гапиради Отаназар оға. Кескинликки, замирида бугунимиздан эртамиз яхши бўлсин, деган орзу истак, кескинликки, эл-юртнинг бугунига ҳам, эртасига ҳам қайғуриш.-Мана, айтишларига қараганда, голландияликларнинг атиги 5 фоизи қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд экан. Шунга қарамасдан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ўзларини таъминлабгина қолмай, четга ҳам маҳсулот чиқаришар экан. Биз ҳам шуни орзу қилсак, аҳолининг қолган қисмига иш топиб бериш масаласини ҳозирданоқ ҳал қила бошлашимиз керак.

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

(Давоми 4-бетда)


**КЕЛГУСИ СОНДА:**

БАҲОНА ЭМАС, ИМКОН ҚИДИРИШ КЕРАК!

МАНҒИТНИНГ ПАҲЛАВОН ҚИЗЛАРИ

НИГОРОН КЎЗЛАР

**Асад. Ҳосилнинг тақдири шу ойда ҳал бўлади. Бу – пахтазорда туғилиб, дала ҳалгунчакларида улғайиб, энасининг этагидан тутиб, эгатларда думалаб, пахта хирмонларида қийқириб ўйнаб, эсини таниган, ота-она касбини эъзозлаб келаётган деҳқонларнинг фикри.**

Бу йилги саратон ҳарорати баланд келди, асад эса ундан-да ҳовурли... Истироҳат боғларида сайр қилаётган, соя-салқинда ҳордиқ чиқараётганларнинг нолишлари ўринли. Ловуллаб турган пахтазорда тобланиб меҳнат қилаётганлар эса ўзларининг эмас, ниҳоли дардида.

# МЕҲРИ МОМОНИНГ ЭЪТИРОФИ

МАВСУМ

Иштихон туманидаги Жўра Маҳмудов номли ширкат хўжалигида бўлганимизда, қуёш қоқ тиккага келган маҳалда ҳам 562 гектар ерда мўл ҳосилга замин яратаётганлар-ни кўрдик. Карим Тошқулов, Акрам Раҳматов сингари юзлаб ширкатчи ва фермерлар далаларида ҳаёт қайнамоқда. Тажрибали деҳқон Яҳё Бобоев Абдуғофир Қаршиевнинг ёнида яқин маслаҳатчи бўлиб турибди.

Пастдарғомдаги Бойтўра Кўмаков номли хўжалик раҳбари Ҳайит Салимов 2 июн куни ёққан дўл 233 гектар пахтазорни пайҳон қилиб кетганини айтаркан, оғир хўрсинди. 80 гектар майдонни тўлиқ бузиб, қайта экишганини, ана шу экинзорлардаги ниҳоллар парвариши алоҳида эътибор талаб қилишини, шу боис далани бир зум ҳам тарк эта олмасликларини таъкидлайди. Ўн гектар пахтасини бузиб, 5-6 июн кунлари қайта чигит эккан Сайид Эркаев оиласи аъзолари, сувчилар Тошболта Қудратов, Шомурод Қобилов, чопиқчилар Тўхта Қудратова, Рўзигул Азимова, механизатор Абдусамад Авазовлар режаларини ўтган йилги натижа – 135 фоиздан ҳам ошириш ишончи билан меҳнат қилишмоқда.

-Бу йил биз пахтакорларга вилоят ҳокимлиги томонидан катта мадад уюштирилди, - дейди Оқдарё туманидаги Намоз Пиримқулов номли ширкат хўжалигининг кўп йиллик тажрибага эга пахтакори, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳибаси Меҳри момо Меҳрибонова. – Пахтакорлар, хўжалик мутахассислари ғалла ўрими масъулиятидан озод этилдилар. Ғўза парвариши сусайтирилмади.

Узоқ йиллардан буён қишлоқдан йироққа ўғил-қизлари, келинлари билан кўчиб келиб "оқ олтин" яратаётган, юзлари қақроқ ерлардек тарам-тарам ажинли, сочлари пахтадек оппоқ, меҳрли кўзлари эса дилларни эритувчи онахонни саволга тутамиз. "Тик пешинда пахтазор оралашингиз шартми, онажон? Етмиш билан юзлашибсиз, ўғилларингиз тажриба орттиришган, кексалик гаштини суриб, тўю маъракаларда юрсангиз бўлмайдими?"

-Ҳай, болам-а, болам. Пахтазорсиз, пахтасиз ҳузур-ҳаловатимни тасаввур эта олмасам, қандоқ қилай? Ғўза нозик ўсимлик. Унга меҳрингизни бермасангиз бўлмайди. Эрта тонгда, кеч салқинда у дардини ёрмайди, кўзингизни қувнатиб яшнаб тураверади. Сувга келган-келмаганини, ишловга муҳтож ёки муҳтож эмаслигини, озуқага зор-зормаслигини яширолмайди. Сиз эса уни парвариш қилишдан тўхтамаслигингиз лозим. Қарабсизки, пайкал бир текис унади, ҳосил мўл, сифати юқори бўлади.

Ҳа, бугун Самарқанд вилояти пахтакор туманларининг қай бирида бўлманг, кўсакка-кўсак, ҳосилга-ҳосил қўшаётган пахтакорларнинг мардона меҳнатига гувоҳ бўласиз. Улар кўрсатган жасоратли меҳнат самараси қувончли бўлишидан ишонч ҳосил қиласиз.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ҚУТЛУҒ КУНЛАР ШУКУҲИ

(Боши 1-бетда)

Билимдон, ўз касбига меҳр қўйган кишини она замин сийлайди, уни элга танитади. Бундай кишиларнинг рўзғори, турмуши тўкин бўлади. Бешкентлик деҳқонларнинг фаолияти ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Улар ўтган йили ғалла майдонларининг ҳар гектаридан 51 центнердан, жами 3660 тонна дон ҳосили олишган эди. Пахта ҳосилдорлиги эса гектарига 38 центнердан тўғри келди. Давлатга топширилган 3504 тонна "оқ олтин"нинг асосий қисми юқори навларга қабул қилиб олинганлиги учун ҳам даромад кўнгилдагидек бўлди. Пировардида хўжалик ўтган йилни 260 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Пудратчиларга меҳнат ҳақининг ўз вақтида бериб борилишига эришилди. Бу жуда муҳим кўрсаткич. Президентимизнинг хўжаликка бу галги ташрифи чоғида ишнинг натижаси қандай бўлаётганлиги билан қизиққанлиги бежиз эмас. У кишининг оилавий пудратчи Содиқ Мирзаев даласидаги суҳбати ҳам шу ҳақда бўлди.

Содиқ Мирзаев бошлиқ оилавий пудратчилар жамоаси 12 кишидан иборат. Улар 26 гектар ерда деҳқончилик қилишади. Ўтган йили пудратчилар ғалладан ҳам, пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштириб, жами 26400 минг сўм даромад қилгандилар. Соф фойда 9 миллион 600 минг сўмни ташкил этди. Пудратчилар ойлик маошларидан ташқари 10,5 тонна шрот, 8100 килограмм шелуха, 2 тонна 910 килограмм ёғни натура ҳолида олдилар. Бу йилги натижалар ҳам кўнгилдагидек. Агар ўтган йили пахта ҳосилдорлиги 45 центнерга тўғри келган бўлса, пудратчилар жорий йил ҳосилдорликда ундан ҳам юқорироқ натижага эришиб, даромадни янада кўпайтириш ниятида меҳнат қилишяпти. Ғўзаларнинг ҳозирги ҳолати ҳосилнинг чиндан ҳам салмоқли бўлишидан далолат бериб турибди. Ҳосилот Ориф Бозоровнинг айтишича, бу йил ҳам ғалладан баракали хирмон кўтарилибди. – Меҳнати маҳсулидан баҳраманд бўлаётган деҳқонларимизнинг ишга муносабати ўзгараяпти, улар энди тобора унумлироқ ишлашга ҳаракат қилишаяпти, - дейди у.

Содиқ Мирзаев Юртбошимиз билан бўлган мулоқот чоғида ўзини ҳақиқий деҳқон эканлигини кўрсатди. Юртбошимиз ундан мамнун бўлиб "Ернинг балл бонитетини билган деҳқонга балли!" дея ўз завқини ифода этди.

-Юртбошимизнинг деҳқоннинг дардини қалбдан ҳис этиб, оғирини енгил қилишга, турмушини фаровон этишга интилаётганликлари кўнглимизни тоғдек кўтарди, - дейди ер соҳиби. - Эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади. Биз бундай юксак эътиборга жавобан бундан-да яхшироқ ишлашимиз лозимлигини чуқур ҳис этдик.

Хўжаликка қарашли Юқори Бешкент, Қуйи Бешкент, Потрон, Кахлак, Хитойкенти қишлоқларида истиқомат қилаётган 13 минг аҳоли учун яратилган маданий-маиший шароитлар йил сайин яхшиланиб бормоқда. Қишлоқларнинг ҳаммаси газлашган, водопровод ўтказилган, 5 та мактаб, клуб, кутубхона, стадион бор. Ариқлардан доим сув оқиб туради, томорқа хўжалиги яхши йўлга қўйилган. Буларнинг ҳаммаси меҳнат туфайли.

Хўжаликда жами 68 та оилавий пудратчилар бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам шу кунларда кўтаринки кайфиятда самарали меҳнат қилишаётир. Биз Норпўлат Раҳмонов, Ҳамза Ҳасанов, Сирож Исломов, Кичик Омонова, Дилором Мадатова каби оилавий пудратчиларнинг далаларида ҳам бўлиб, ғўзаларнинг барқ уриб ўсаётганига гувоҳ бўлдик.

-Муаммолар йўқми, - сўрадик деҳқонлардан.

-Нега бўлмасин, иш бор жойда камчилик албатта бор-да, - дейишди улар. – Гоҳида ўғитдан гоҳида техника етишмаслигидан қийналамиз. Аммо бу муаммоларни ўзимиз бартараф этишимиз керак. Қолаверса, бу пайкаллар баҳонаю дангасаликни ёқтирмайди. Кейинчалик етишмовчилик олдида довдираб қолдингизми, бас, муаммоларга кўмилиб кетасиз. Шу боис экинзор билан тиллашиб яшаяпмиз. Натижасини эса кузда кўрасиз... Албатта, бир келинг.

**Бозор ЭРҚОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
**Маҳмуд ПИРМАТОВ,**
**журналист.**



**Оддий эътиборсизлик йил бўйи қилинган меҳнатни икки-уч кундаёқ ҳавога совуриши мумкин. Айниқса, асад ойида, кўсак қурти бош кўтарган маҳал. Буни Пастдарғом туманидаги "Пастдарғом" ширкат хўжалиги деҳқонлари яхши билишади. Шу боис ҳар бир дала сифатли қилиб озиқлантириш, суғориш, ишлов бериш қатори мутахассислар томонидан доимий равишда кузатилаяпти. Бугунгача 300 гектардан ортиқ майдонга биологик усулда ишлов берилди. Пайкалларга 125 дона ферамонтутқичлар қўйиб чиқилди. Шу боис далада ғўзаларнинг ривожи ёмон эмас.**
**СУРАТДА: тажрибали мутахассис Ҳусан Ҳайдаров ижарачига ўз тавсиясини бераяпти.**
А.ҲАҚБЕРДИЕВ олган сурат.

БИЛАСИЗМИ?

## ЕРҚАЛАМПИР

***Ерқалампир таркибида кўпгина фойдали моддалар мавжуд.***

Ўсимликдаги фитонцидлар териб қўйилган меваларни яхши сақланишига ёрдам беради. Маълумотларга қараганда, баландлиги 25 сантиметр бўлган (оғзи зич ёпиладиган шиша идишга) 200 грамм миқдорда ерқалампир қириндиси қўйилиб, унга шохчалари билан крижовник, шунингдек, қора ёки қизил қорақат солиб қўйилганида, крижовник 6 ой мобайнида бузилмай, ўз рангини сақлаб турган.

Ерқалампир илдизидан олинган модда таъсирида чивин личинкалари, шунингдек, тўрт турдаги кана ғумбаклари нобуд бўлади. Яна бир қизиқ тажриба. Ерқалампир баргларининг кукуни устига тўрт турдаги кана личинкалари қўйилганда, 15-20 дақиқа давомида барча личинкалар қирилиб кетади.

## ИТУЗУМ

***Табиатда итузумнинг чучук-тахир тури (Соланум дулцемара) – заҳарли ҳисобланиб, унинг таркибида глюкоалкалоид салонин моддаси бор.***

Зараркунанда ҳашаротларга қарши дори тайёрлашда унинг баргли шохчаларидан фойдаланилади. Янги майдаланган ўсимлик барг ва шохчаларидан 5-6 килограмм миқдорида олиб, 3-4 соат давомида бир челак сувда бўктириб қўйилади. Сўнгра, унча катта бўлмаган аланга устида 3 соат давомида қайнатилади. Қайнатма сузиб олинади, туппаси эса дағал тўқима воситасида сиқиб шарбати чиқарилади. Қайнатма оғзи яхши ёпиладиган шиша идишга солинади. Агар қайнатма салқин ва қоронғи жойда сақланса, унинг кучи бир неча ой мобайнида сақланиб қолади.

Тайёрланган қайнатма ишлатилишидан олдин сув билан суюлтирилади (1 литр қайнатмага 2 литр сув қўшилади), сўнгра қуртларга ҳамда ёш личинкаларга қарши пуркалади.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос олим.**

# ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

***Жорий йилдаги об-ҳавонинг ноқулай келиши пахтакорларимиз билан мева-сабзавот етиштирувчи деҳқонларимиз ишларида қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.***

Муаммоларни бартараф этиш учун қорақалпоғистонлик мутахассислар ҳам астойдил бел боғлашди.

Республикада мавжуд 51 та биологик лабораторияларда 482,5 килограмм ситотрога тухуми, 212,5 килограмм трихограмма, 47 миллион дона бракон, 10975,3 минг дона олтинкўз фойдаланиб, зараркунандаларнинг кўпайиб кетиш олди олинмоқда. Бу борада Хўжайли тумани "Қорақалпоғистон" хўжалигидаги Ойша Маткаримова раҳбарлик қилаётган биолаборатория ишлари мақтовга лойиқ. Лаборатория ходимлари Республиканинг Тахтакўпир, Кегайли, Нукус туманлари хўжаликларига трихограмма, бракон энтомофанларини шартнома асосида етказиб бермоқда. Лекин Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир туманларидаги биолаборатория ишлари талабга жавоб бермайдилар.

# ЮРАКДАН АЙТИЛГАН СЎЗ

***Вобкент тумани, Вобкент қишлоғида яшовчи Муртазо ака Ражабов оз эмас, кўп эмас, 25 йил мироблик қилди. Қулоғига "фермер" деган сўз чалинганида ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охири эди. 1990 йилга келиб қизиқиш мақсадга айланди. "Мурод" фермер хўжалигини ташкил этди. Тўрт-беш бош қорамол, икки гектар ер – шу ишни этагидан тутишга кифоя қилди.***

Кейин ҳатто енгил машинасини сотди-да, фермер хўжалигининг каму кўстига сарфлади.

Йиллар ўтиши билан фермернинг қорамоли кўпая борди. Оғил, айвонлар ҳам кенгайди. Ер майдони етти гектарга етди. Ҳозир унинг 60 бош қорамоли бор. Ўзига тўқ. Турмушидан нолийдиган жойи йўқ. Ҳолбуки, ўн беш йилча илгари буни тасаввурига ҳам сиғдира олмасди.

Муртазо аканинг асл касби мироб, дедик. Унинг чорвачилик соҳасидаги ишлари билан танишгач, ҳақиқий фермер экан, деган ўйга бордик. Томорқасига бошлагандан сўнг эса фикримиз яна ўзгарди: отахон танти деҳқон, боғбон ҳам экан. Унинг 50 туп анори бор.

-Бухоро бозорига элтсам, ғурбинликлар (Бухорода Ғурбин қишлоғи анор етиштириш билан шуҳрат қозонган) хижолатга тушиб сотгани олиб келган анорларининг устини ёпиб қўйишади, - дейди Муртазо ака ғурур билан. - Ўзи ҳам ҳар бири тарвуздек келади-да.

Ҳа, ердан қандай фойдаланишни Муртазо акадан ўрганса арзийди. Ариқ бўйига эккан 400 туп ўрик, 400 туп шафтоли кўчатининг ҳаммаси ҳосилга кирган. Шовуллаб турган 4 минг туп теракни айтмайсизми? Гилос, олма, анжир, ҳандалак, қовун дейсизми, ҳаммасидан бор.

Фермер трактор, ўрим техникаси сотиб олган. 100 бош

ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР

қорамолга мўлжалланган молхона қурилган.

-Буларнинг барига ҳеч кимдан ёрдам олмай туриб ҳалол меҳнат эвазига эришдим, - дейди у.

Лекин фермерни ташвишлантираётган масалалар ҳам йўқ эмас экан.

-Чорвачилик ўгай соҳага айланиб қолди, шундан хафаман, - дейди у. – Атиги етти гектар ерим бор. Аммо шунга ҳам пахта, буғдой эк, деб тиқилинч қилишади. Нима, аҳолига сут, гўшт керак эмасми? Яна бир гап. Сутнинг нархи паст. "Бухоросут" ҳиссадорлик жамияти биздан унинг ҳар литрини 130 сўмдан сотиб олади. Сувтекинга кетган шу маҳсулотнинг пулини вақтида ололмай сарсон бўламиз, денг. Етти ойдирки, бир ярим миллион сўм пулимни ололганим йўқ.

Муртазо аканинг куйинишида жон бор. Аммо қайта ишлаш саноатида рақобат муҳити яратилмас экан, аҳвол ўнгланиши қийин. Айтайлик, ўнлаб фермерлар фаолият кўрсатаётган Вобкентда сутни қайта ишлаб тайёр маҳсулот чиқарувчи чоғроқ цехлар барпо этиш мумкин-ку.

-Қишлоғимизда қариялар чойхонаси қуриш ниятим бор, мактабга ҳам тузукроқ моддий ёрдам берсам дейман, - дейди фермер.

Муртазо ака билан хайрлашаётиб... "Сиз – фермерсиз. Ўзингизни бой-бадавлат деб ҳисоблайсизми?" дея сўрадик. У киши бир муддат ўйга чўмди. Эҳтимол, у шу лаҳзада бир парча томорқага зориқиб яшаган дамларини, эртаю кеч меҳнат қилса-да, чўнтаги тузукроқ пул кўрмаган вақтларини ёдга олгандир. Яна билмадик. Ҳар ҳолда унинг жавоби қатъий бўлди: "Элим бой бўлмагунча мен ўзимни бадавлат деб ҳисоблай олмайман!"

Бу юракдан айтилган сўз эди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

***Кегайли туманидаги "Халқобод" ширкат хўжалиги марказий омборхонасида оилавий пудратчиларга шартномадан зиёд етиштирган ғалла донининг бўлишиб берилаётганининг гувоҳи бўлдик.***

# МЕҲНАТ САМАРАСИ

- Ўтган йили ғалла майдонларининг 118 нафар пудратчига бўлиб берилиши ўз самарасини берди, - деди ширкат хўжалиги раиси Борикбой Ережеков. – Натижада ғалла топшириш бўйича шартнома режасини республикада биринчилардан бўлиб бажардик. Бугунги кунда ширкат хўжалиги бўйича 35 та оилавий пудратчига 46 тоннадан зиёд ғалла дони бўлишиб берилди. Масалан, оилавий пудратчилардан Бозорбой Жаримбетов шартномадан зиёд топширган ҳосили учун 5 тонна 600 килограмм, Султониёз Абдуниёзов 4 тонна 800 килограмм ғалла олишга муваффақ бўлишди. Шунингдек, яқин кунларда ширкат хўжалиги ишчиларига ҳам 120 тонна ғалла бўлишиб берилди.

**"Туркистон-пресс"**

**Хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарлари, фермерлар ва фуқаролар диққатига!**
*"Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси таркибидаги Қўқон шаҳар масъулияти чекланган жамият шаклидаги*
**EFFEKTIV OIL**
хорижий корхонаси чекланмаган миқдорда
**МЕВА УРУҒИ ВА ДАНАКларини** СОТИБ ОЛАДИ
Бу хайрли ишларингиз билан мустақил республикамиз халқига шифобахш дори-дармон ёғларни тайёрлашга ўз ҳиссаларингизни қўшган бўласизлар.
Турли хилдаги уруғ ва данакларнинг сотиб олиниш тартиби ва нархлари тўғрисидаги маълумотлар юзасидан қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:
**Тошкентда 8 (371-2) 98-68-52; 98-68-53**
**Қўқонда 8 (373-55) 3-61-28; 2-13-83**
**Манзил: 713000, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Усто-бозор кўчаси, 94-уй.**

ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
**КУНГАБОҚАР УРУҒИ СОТИЛАДИ**
*"Ёғмойтамакисаноат" уюшмасининг "МТ Инвест-Импэкс" фирмасида сотиш учун Ўзбекистон шароитига мослаштирилган 30 тонна Молдова Республикасидан келтирилган Дурагай (Гибрид) кунгабоқар уруғлари мавжуд. Тўлови пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Етиштирилган ҳосилни ёғ заводлари шартнома асосида қабул қилади.*

**Мурожаат учун телефонлар:**
**152-52-84; 152-61-96; 55-39-16.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## АМЕРИКА АСКАРЛАРИ ЛИБЕРИЯДА

***Американинг денгиз пиёдалари вертолёт ёрдамида Монровиядаги АҚШ элчихонасига келтирилганлар.***



Ҳозирда уларнинг сони 7 киши эканлиги айтилаётган бўлиб, ҳарбийларнинг асосий вазифалари Либерия аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни йўлга қўйиш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат. Бу ҳақда Техасда меҳнат таътилида бўлган АҚШ президенти Жорж Буш ҳам журналистларга интервью берган ҳамда аскарлар сонининг ошиши мумкинлигини айтган. Бугун Либерия қирғоқларида Американинг 4,5 минг аскари турган бўлиб, агарда президент Чарльз Тейлор мамлакатдан чиқиб кетса, уларнинг Либерияга киришлари кутилмоқда.

## ПАРТИЗАНЛАР ЕТАКЧИЛАРИ УШЛАНДИ

***Америка аскарларининг Тикрит шаҳрида ўтказган операциялари чоғида айни пайтда иттифоқчиларга қарши партизанлик ҳаракатларини олиб бораётган қуролли гуруҳларнинг уч нафар раҳбарлари ҳибсга олинган.***



Уларнинг бири "Саддам федаинлари" ҳаракатига бошчилик қилганлиги тахмин этилаётган бўлса, қолган икки нафари Саддам Ҳусайн даврида армия генераллари бўлганлар.

Кеча эса Киев шаҳридаги "Борисполь" аэропортидан кўтарилган, бортида 69 нафар украин ҳарбий хизматчилари бўлган "Ил-76" самолёти Ироққа келиб қўнган. Шунингдек, 276 нафар украин аскари эса Қувайт давлатига келтирилган. Ироқнинг жанубий туманларидаги тинчлик ўрнатиш жараёнида иштирок этадиган украиналик ҳарбийлар Польша қўмондонлиги остидаги тинчликпарвар кучлар сафида бўладилар.

## РОССИЯ – ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИ КЕРАК

***Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан учрашувдан сўнг Самарқанддан Москвага қайтиб келган Россия Федерацияси раҳбари Владимир Путин бош вазир Борис Алешин билан Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигини янада фаоллаштиришга қаратилган асосий йўналишлар бўйича фикр алмашди.***



Ҳамкорлик борасида икки давлат ўртасида тузилган комиссия таркибини янгилаш ишларига тезкорлик билан киришиш лозимлиги ҳақида Алешинга кўрсатма берган Владимир Путин Россия – Ўзбекистон алоқалари қадимий ва кенг миқёсли эканлигини айтган. Шунингдек, у икки давлат савдо алоқаларининг сусайишига йўл қўймаслик учун зарур чора-тадбирлар кўриш ҳамда нафақат савдо, балки бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорликни яхши йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлаган, дея хабар беради РИА "Новости".

## ТЕРРОРЧИНИНГ ФОТОНУСХАСИ ЯРАТИЛДИ

***Индонезия полицияси 5 август куни "Marriot" меҳмонхонасида террор актини амалга оширган жиноятчининг фотороботини яратган.***

Мамлакат газеталарида чоп этилган фотороботдан гумондор 30 ёшлар атрофидаги киши эканлиги маълум бўлади. Полиция вакили Э.Маппасенгнинг айтишича, меҳмонхона олдида портлаган автомобиль қолдиқлари бўйича ўтказилган текширувлар чоғида унинг собиқ эгаси Шарқий Яванинг Чибубур шаҳрида яшовчи Сонни исмли киши бўлганлиги аниқланган. Лекин у 2 ҳафта аввал машинасини номаълум одамга сотиб юборган экан.

Эслатиб ўтамиз, 5 август куни Жакартада юз берган ушбу террор акти туфайли 10 киши ҳалок бўлиб, 149 киши жароҳатланган эди.

## ШВАРЦНЕГГЕР ҲОКИМ БЎЛМОҚЧИ

***NBC телеканалининг "Tonight Show" дастурида чиқиш қилган Арнольд Шварцнеггер Калифорния штати губернаторлиги учун куз фаслида бўладиган сайловларда ўз номзодини қўйишини маълум қилди.***



Голливуд киноюлдузининг бу қарори ҳозирда кўпчиликни ҳайратга солмоқда. 7 октябр куни бўлиб ўтадиган сайловларда эса Калифорния аҳолиси амалдаги губернатор Грей Дэвиснинг истеъфосини тасдиқлашлари ёки рад этишлари ҳамда губернаторлик учун ўз номзодларини кўрсатишлари керак. Сайловлар ўтказилишига Калифорния аҳолисининг Дэвиснинг штатда юз берган молиявий инқирозга қарши курашидан қониқиш ҳосил қилмаётганликлари сабаб бўлган.

Ҳозирда Арнольд Шварцнеггернинг яқинда кинотеатрларда намойиш этила бошланган янги "Терминатор-3" фильми билан янада машҳурроқ бўлганлиги айтилмоқда.

## МАДОННАНИНГ БОЛАЛАРГА СОВҒАСИ

***15 сентябр куни машҳур қўшиқчи Мадоннанинг "Англия атиргуллари" деб номланган китоби нашрдан чиқади.***



Бир вақтнинг ўзида 30 тилда чоп этилган китоб дунёнинг 100 та давлатига тарқатилади. Олти ва ундан катта ёшли болалар учун мўлжалланган бу китоб режалаштирилган бешта китобнинг биринчиси саналади. Ҳозирда бир ўғил ва бир қизи бўлган 44 ёшли қўшиқчининг янги китоби тақдимоти Париждаги "Gallimard" нашриётида ўтказилади.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги томонидан 2003 йил 17 январда Нигматуллаев Элёр Файзиевич номига берилган ЖШ № 004448 (рўйхат рақами № 445/09) рақамли чакана савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Пискент шаҳридаги "Автомобилларни тадқиқ этиш ва синаш маркази" тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел.: 63-68-07.

Утерянный гос.ордер № 04-02/4957 от 19.01.1993 г. права собственности Закировой Мархамат Ибрагимовны на квартиру, считать недействительным.

